

# **2025 йил «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» деб эълон қилинди**



16:31 / 21.11.2024 1838

2024 йил 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бугун нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилаётганини қайд этди.

Эл-юртимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истакларини атрофлича ўрганиб, билдирилган тавсиялардан келиб чиқсан ҳолда бу борадаги ишларни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз 2025 йилни юртимизда «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» деб эълон қилишни таклиф қилди.

Йиғилганлар ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Ислом дини инсонлар атроф-муҳитни асраш ва қўриқлашни тушуниб етсинлар деб, бир қанча жойларда маълум вақтда ов қилишни, дараҳтларни кесишни ва ўсимликларни қўпоришини тақиқлайди. Табиатни қўриқлашга оид бу каби ман қилишлар инсоният тарихида биринчи марта Ислом дини томонидан жорий қилингандир.

Ислом дини инсон камолотида табиатни муҳофаза қилиш тарбиясини асосий ўринлардан бирига қўяди.

Ислом дини нұқтаи назаридан табиатни муҳофаза қилиш тарбияси жамиятдаги катта ёшдаги кишиларнинг вазифасидир. Улар ёш авлодни табиатни муҳофаза қилишда етук онгли, ҳайвонот ва наботот оламига раҳмдил қилиб тарбиялашлари лозим. Катта ёшдагилар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қўриқлашда динимизда жорий қилинган қоидаларни бузмаган ҳолда доимо ёшларга ибрат кўрсатишлари шарт.